



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



International Conference on Teaching Foreign Languages

TSUL iCON – FLT

30/04/2021

THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic

**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021



ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Rўзибаева Нигорахон Раҳимовна

Тошкент давлат юридик университети

Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

DOI 10.5281/zenodo.4963372

Аннотация: Ушбу мақола талабаларга мумтоз адабиёт “Бобурнома”да қўлланилган мақол ва маталлар, фразеолгик бирликларнинг мазмун ва аҳамиятини мисоллар таҳлили ва инглиз тилига таржимаси орқали қизиқарли ва мунозарали ўқитишга қаратилган

Калим сўзлар: мақол, матал, фразеолгик бирликлар, таржима, Бобурнома

Олий ўқув юрти талабаларини инглиз тилига ўргатишга қизиқтириш, ўқув режасидаги белгиланган мавзууни тўла тўқис етказиб бериш учун дарс жараёнида мақол ва маталлардан фойдаланиш муҳим омил бўлади. Қизиқтириш оддийгина даъват этишгина эмас, балки талабанинг ҳис ҳаяжонини олмасдан туриб, кўзда тутган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир тил ўқитувчиси талабаларни идрок этишга ўргатиши лозим. Идрок этиш-ўрганилаётган нарса моҳиятини англаб етмоқ, уни маълум нарса билан қиёслаш, қўлланиш усулларини билиши демакдир. Агар талабалар эътиборига ҳавола қилинаётган материални тушунмасалар, демак идрок этиш кузатилмайди [3. 166-167]. Тушуниш тафаккур қуроли ва амалий ҳаракат орқали содир бўлади.

Лексикологиянинг энг катта бўлими фразеология соҳаси доимо баҳс мунозаралрига бой ва эскирмайдиган, янгиланиб турувчи қатламдир. Мақол ва маталлар, фразеолгик бирликлар халқ хазинаси бўлгани каби уларнинг таржималарини талабаларга ўргатишда ҳам энг қизиқарли жараён.

Мумтоз адабиёт “Бобурнома” инглиз тилига Ж. Лейден ва В. Эрскин (1826) С. Бевериж (1921) ва В. Текстонлар (1996) томонидан таржима қилинган. Бир неча йиллар давомида ўрганилган ва дунё тиллариға қайта қайта таржима қилинишининг сабаби ундаги ҳаётий мисоллар ва маълумотларни кўплиги ва ишонарлилигига.

Дарс жараёнида талабаларга мумтоз асарларимизда қўлланган мақол орқали ўргатганимизда дарс янада қизиқарли бўлади. Шу мақсадда “Бобурнома”дан *Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким, “тенг бўлмагунча тўши бўлмас”* Оламда мундоқ ярамас вазълиқ тоғлар кам бўлгай

[2,115]

парчасини мисол қилиб оламиз. Ушбу келтирилган парчада ажратиб ёзилган жумлалар Бобур томонидан қўлланган мақолдир. “Бобурнома” лексикаси ҳозирги кун ўқувчисига тушунарли эмас, шунинг учун талабаларингиз аслият матни ёки мақол мазмунини тўлиқ тушунишини таминлаш учун уларга мавҳум бўлган мақол *“тенг бўлмагунча тўши бўлмас”*ни мазмунини очиб беришимиз керак. Шуни айтиш лозимки бу берилаётган мисолларни инглиз йўналишидаги юқори курс талабаларига таржима назарияси, бадиий таржима фанларида олиб бориш мумкин.

Энди биз *тўши* сўзининг маъноларини луғатдан аниқлаб оламиз: 1. гўшт; 2. ҳайвоннинг кўкрак қисми; 3. дўст. Биз учун учинчи дўст маъноси тўғри келади. Аслият матни талаба учун ойдек равshan бўлди. Берилган парчани инглизча таржималарини қиёслай олишга имконият яратилди.

Мақол таржимасини амалга оширишда мақол мазмунини яхши англаған ҳолда “Бобурнома” асарида келтирилган *Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким, “тенг бўлмагунча тўши бўлмас”* Оламда мундоқ ярамас вазълиқ тоғлар кам бўлгай

ни уч турдаги Ж. Лейден ва В. Эрскин (1826) С. Бевериж (1921) ва В. Текстонлар (1996)нинг таржималарида қиёсан ўрганамиз.

Ж.Лейден ва В. Эрскинларнинг 1826 йилда амалга оширилган таржимасида: *At the same time, the mountain are worthy of the men; as the proverb says, “A narrow place is large to the narrow-minded”. There are perhaps scarcely in the whole world such dismal-looking hillcountries as these* [4, 152]. Талабалар билан биргаликда таржима қилинади. Мазмуни: Шу билан бирга тоғлари ҳам эркакларига мос; шундай мақол борки, “**Тор жойда ақли тор кишилар**” Бу балки мамлакатдаги энг хунук, нотекис жойдир.

Яна худди шу аслият матни таржимаси Сусанна Беверижда: *Their people take after them, just as has been said, Ting bulmaghuncha tush bulmds. “A narrow place is large to the narrow-minded” Likely enough the world has few mountains so useless and disgusting* [1, 223, and 289]. Мазмуни: Одамлари ҳам ўзларига ўхшаган, худди айтишларига кўра, “**Тор жойда ақли тор кишилар**”. Бу каби бефойда ва ифлос тоғлар дунёда кам ёки ҳеч бўлмас. Талабалар ўзларининг таржима вариантларини берадилар.

Нихоят 1996 йилда “Бобурнома” нинг инглизча таржимаси Вильер Текстонда: *They are worthy of their inhabitants, as the proverb says, “There is no noon without a dawn.” There are few such worthless mountains in the world* [5, 167]. Мазмуни: Аҳолиси ҳам ўзларига муносиб, мақол борки, “**Тонг бўлмаганча туш бўлмас**”. Бунчалик қадри паст тоғлар дунёда кам бўлур. Кўриб турибмизки аслиятдаги мақол мазмуни, *тенгни тонг маъносида, тўшини туш инглизча noon-afternoon*даги *noon* каби тушунган. Аслида *ижтимоий ва манавий келиб чиқши нуқтаи назардан ҳар қандай инсон дўст бўлолмайди, тенг бўлмагунча дўст бўлолмас*“**тенг бўлмаганча тўши бўлмас**” эди.

Юқоридаги таржималарнинг хато берилиши аслиятдаги мақол мазмунини таржимон яхши англаб етмаганлигидандир. Баҳс мунозарага сабаб бўладиган мақоллар таржимаси анча мушкул вазифа. Бунинг учун мақолларни таржима қилишда таржима методларидан: эквивалентларини

кўллаш, аналогларини топиш, калька усулида ва тасвирий таржима, трансформацион методларидан фойдаланиш даркор. Таржимонлар Жон Лейден ва Вильям Эрскин, Сусанна Беверижлар тасвирий таржимани қўллаган, Вильер Текстон калька методини қўллаган лекин барча таржималар хато бўлиб чиқкан, сабаби улар аслиятдаги мақол “*тeng bўлмагунча тўши бўлмас*” ни яхши идрок этмаган. Энди тўғри вариантни бериш ўқитувчи зиммасига юкланди ва у ниҳоят “*No equals never make friends*”, -деб берилиш керак эди, дея талабаларга кўмаклашади.

Талабаларга вазифа қилиб яна шу каби мақолларни таржима қилиш учун топшириқлар берилади. Масалан, *Куйидаги мақолларни таржима методлардан фойдаланиб таржима қилинг*:

1. **Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уруғини нобуд қилма, шунга ўхшаш ёмонларга яхшилиқ ва яхшиларга ёмонлик қилиш ҳам ўрнида бўлмайди**

[2, 149].

2. **Харчи дар оина жавон бинад, Пир дар хишти пухта он бинад.** Аслиятдаги тоҷикча иборалар талабага тушунарли бўлмагандан унинг табдил варианти ҳам берилиши шарт. “**Ёш киши ойнага қараб нима кўрса, кекса одам хиштга қараб, ундан ҳам яхшироқ қўради**” [2, 159].

3. **Масал борким, “Қопудағини қопмаса, қаригунча қайғурур”**
Вақти чоғ ишни қилмаса қаригунча ундан афсулланиб юради.

4. **Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст** [2, 74].

Ўқув дастурида режалаштирилган мавзуни мукаммал ўтиш учун вақт етмаслиги мумкин, шунинг учун фразеолгик бирликлар ва мақоллар, маталлар ва афоризмларнинг таржималари билан ишлаган ўқитувчи мустақил иш, курс иши учун материал танлайди ва тавсия қиласди, уларни ишга ҳозирлайди. Кўзда тутган матнни ўргатиш учун маҳсус саволлар кўйиб, топшириқлар беради. Мақоллар, фразеологик бирликлар билан



ишилаётган талабаларни кузатади, уларнинг саволларига жавоб бериб, мустаҳкамлаб боради. Тушунмаган қоидаларни тушунтиради, топширикларни бажаришга кўмаклашади.

Тавсиялар. Мақоллар мавзусини ўрганишда аниқ (ёки таниш) адабиёт кўрсатилиши лозим, танланган мақоллар баҳс мунозарарага сабаб бўладиган фаол бўлиши керак, келгусида талабалар томонидан турли хил саволларга ўқитувчи жавоб беришга аввалдан тайёр бўлиши лозим, мақолларни ўргатиш жараёнида талабалар томонидан берилиши мумкин бўлган муаммо ечими ишлаб чиқсан бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Beveridge, Anette Susannah. The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur.–London, 1921. PP.880.
2. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент.: “Шарқ”, 2002. Б. 335.
3. И smoилова Ш.Ф. ТДПУ. Чет тилларни ўқитишида идрок этишга ўргатиш// Чет тилларни ўқитиши ва ўргатиш муаммолари. – 2006, Тошкент.: Б. 166., 488 б.
4. John Leyden. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan.–London, 1826. PP. 432.
5. Wheeler M. Thackston. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor of Hindustan. New York.–1996. PP. 554.
6. Toshmatov, O. S. (2021). TEACHING ENGLISH TO STUDENTS JUNIOR COURSES OF LAW FACULTIES. Academic research in educational sciences, 2(1).
7. Тошматов, О. Ш. (2018). СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. Экономика и социум, (6), 1175-1177.



8. Миргиязова, М. М. (2019). The importance of the formation of discursive competence in the development of oral speech. Молодой ученый, (26), 311-313.
9. Mirgiyazova, M. M. (2021). THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. Academic research in educational sciences, 2(2).
10. Mirgiyazova, M. M. (2021). FEATURES OF THE USE OF ANTHROPONYMS IN THE ARTISTIC DISCOURSE. Academic research in educational sciences, 2(1).